

## ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБИЙ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

Мамажоновна Камола Акрамовна – А.Қодирий номидаги  
ЖДПИ, Технологик таълим кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада мактаб давриданоқ ўқувчиларни касбий шакллантириш бўйича педагогик-психологик масалаларни ҳал қилишнинг айрим масалалари бўйича фикр ва таклифлар билдирилган.

**Калит сўзлар:** касбий шаклланиш, касб танлаш, касбий қобилият, касбий тафаккур, ижодкорлик, мотив, таълим, тарбия.

### **Педагогические и психологические вопросы профессиональной подготовки студентов**

**Аннотация:** В статье представлены мнения и предложения по некоторым вопросам решения педагогических и психологических проблем профессионального становления учащихся школьного возраста.

**Ключевые слова:** профессиональное образование, выбор карьеры, профессиональные способности, профессиональное мышление, творчество, мотив, образование, воспитание.

### **Pedagogical and psychological issues of professional training of students**

**Annotation:** The article presents opinions and proposals on some issues of solving the pedagogical and psychological problems of the professional development of schoolchildren.

**Key words:** professional education, career choice, professional abilities, professional thinking, creativity, motive, education, upbringing.

Комиллик сари интилиш шахсининг касбий шаклканиши билан биргаликда яхлит ҳолда кечадиган ва деярли бир умр давом этадиган мураккаб жараёндир.

Касбий ривожланиш бу келажакда мутахассиснинг шахсини шакллантиришнинг узлуксиз жараёни бўлиб, у касб танлаш пайтидан бошланади ва инсон ишлашни тўхтатганда тугайди. Кенг маънода касбий шаклланиш деганда инсоннинг ўз ақлий қобилиятлари, жисмоний имкониятлари, қизиқиш ва интилишлари, шунингдек қадрият ва дунёқарашларига кўра бирон бир касб соҳасида таълим олиш, кейинчалик

шу соҳага киришиб, мослаша бориши ва ниҳоят йиллар давомида етук ва малакали мутахассис бўлиб етишиши тушунилади.

Ўқувчиларни касбий шакллантириш мақсадида касб танлашга тўғри йўналтириш, келажакда танлаган касбдаги ижодий фаолиятда ўқувчиларнинг мустақиллигини, фикрлаш фаолиятларининг хусусиятларини (янгилик, бирданига топиш, фаҳмлаш, сезгирлик ва ҳоказолар) ҳамда ўз касбига нисбатан ички стимул (қизиқиш, касбига берилиш, ишқибозик, ирода, мақсадга интилиш, яратувчанлик қувончи, руҳланиш ва ҳоказолар)ни таълим ва тарбия орқали ҳосил қилишни муҳим вазифалардан бири сифатида қараш лозимдир.

Касбий шаклланиш жараёнининг дастлабки ва айна дамда, ўта муҳим босқичи бўлажак касбни танлаш яъни аниқ бир касбий қарорга келишигача бўлган даврни ўз ичига олади.

Касбий шаклланиш меҳнат фаолияти ёки касб соҳасининг аниқ турини танлаш билан алоқадор, аниқ ва онгли равишда қабул қилинадиган қарорнинг ифодаланиши бўлиб, ўқувчилар билан амалга ошириладиган мақсадга йўналтирилган ишлар билан бевосита боғлиқ бўлади.

Жараён сифатида “касбий шаклланиш” тушунчасининг асосида бунёдкорлик, яратувчанлик ғояси ётади. Бу ҳолат ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади, зеро у педагогик тизимнинг муҳим фундаментал муаммоларидан бири саналади.

Инсон ҳаётидаги муҳим фаолиятлардан бири - касбий муваффақият (танланган касби орқали оиласига ҳам, жамиятга ҳам бирдек фойда келтириш)дир. Айнан касбий лаёқатига, интилишига, касбдошларига муносабати билан инсоннинг маънавий қадри ўлчанади. Агар болада касбий мойиллик, қизиқиш тўғри йўналмаган бўлса ва бу касбга истаги бўлмаса, касбий маҳорати амалда рўёбга чиқмайди, аниқ йўналишларда гавдаланмайди.

Ўқувчи ёшларнинг касбий қизиқиши ва қобилияти асосида аниқланган касб-ҳунарга йўналтириш унинг ҳаётига мазмун бағишлайди. Шунинг учун ҳам мактабданок ўқувчиларни сабр ва матонат билан ўқишга, ишлашга, ҳаёт учун зарур бўлган ҳислатлар, бурч ва вазифаларни ўзида тараққий эттириш ва бошқа ижобий одатлар бўйича кўникма ва малакаларга эга бўлиш учун ёрдам бериш лозим. Чунки юқори синф ўқувчиларини тарбиялаш ва уларга таълим беришдаги янглишиш эса уларнинг кейинги ўқиш ва ҳаётларида, касбий фаолиятида ғайри табиий ва тузатиб бўлмас ҳато бўлиб ўз аксини топади. Ўқувчиларни тўғри касб танлаши, ўз манфаатини ўйлабгина эмас, балки уни интеллектуал салоҳияти, касбий интилиши, мойилликларини узлуксиз кузатиш орқали

мустақил касб танлашга ўргатиш керак бўлади. Бунинг учун эса бир қанча ишларни амалга оширмақ лозим:

Биринчидан, касбий қобилиятни шакллантириш орқали. Чунки ҳар қандай қобилият тури шахсга тегишли мураккаб психологик мураккаб тушунчадан ташкил топган бўлиб, у фаолиятнинг талабларига мутаносиб хусусиятлар тизимини ўз ичига олади. Шунинг учун қобилият деганда бирорта хусусиятнинг ўзини эмас балки, шахснинг фаолиятининг талабларига жавоб бера оладиган ва шу фаолиятда юқори кўрсаткичларга эришишни таъминлашга имконият берадиган хусусиятлар синтезини тушуниш керак.

Қобилиятнинг етакчи хусусиятларидан бири нарса ва ҳодисалар моҳиятини ижодий тасаввур қилишдир. У шахснинг шаклланиши ва ривожланиши натижаси бўлади.

Иккинчидан, касбий тафаккурни ривожлантириш ёрдамида. Чунки, касбий вазиятларга шахсни тайёрлаш, касбга йўналтиришда ўқувчиларнинг илмий-ижодий тафаккурини ривожлантириш муаммоси билан бевосита боғлиқдир. Ҳақиқатдан ҳам ўқувчиларни касбий тафаккурга ўргатиш бу ёшларни касбий эксперимент ва назариянинг боғлиқлиги тушунчаси билан қуроллантириш, касбий фаолият юзасидан изланишнинг асосий усуллари билиш, янги билимлар олишдаги ижодий жараён босқичлари ва улар кетма – кетлигини билиш демакдир.

Учинчидан, мактабларда ўқувчиларни касбга йўналтириш орқали ижодкорлигини ошириш бўйича. Чунки, ҳар қандай рақобатга тайёрлаш мустақил истеъдодли ёшларни чинакам ҳаётий эҳтиёжига, маънавий камолотининг муҳим соҳасига айлантириш ва бошқалар ўзига хос илмий-амалий педагогик аҳамиятга эга.

Мактабда ўқиб юрган ўқувчи ўзига касб танлашни бир эмас, бир неча бор ўзгартиради. Чунки, ўқувчининг билими бойиб боргани сари, маҳорат ва малакаси ошгани сари унинг дунёқараши кенгайиб боради. Борган сари руҳий ва жисмоний имкониятга ҳамда ақлий қобилиятга жавоб бера оладиган машғулот тури ўз қимматини топа боради. Шундай қилиб ўқувчида “Мен шифокор (ёки олим, қурувчи, токар, тадбиркор ва ҳ.к.) бўламан” - деган ишонч камол топади.

Ана шундай машғулотларда энг асосий хусусиятлар билан чекланиб қолиш, кўзланган мақсадга эришиш имконини бермайди. Шу сабабли, бу ўринда ўқувчи шахсининг барча соҳалардаги фаолият кўрсаткичларини умумий мажмуаси сифатида қараб, талаб этилаётган хусусиятлар салмоғини оширишга асосий эътиборни қаратиш лозим.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, шахсининг касбий шакллантиришга таъсир қилувчи таркибий қисмлар: мотивлар (ниятлар, қизиқишлар, майллар, идеаллар), қиймат йўналишлари (касбнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва унинг сифатини таъминлаш), касбий позиция (касбий ривожланишга тайёрлик) ҳисобланади. Ҳар бир ёшдаги асосий ўзгаришлар унинг босқичма-босқич ва изчил касбий ривожланишидан далолат беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Қодиров Б.Р., Қодиров Х.Б. Касбий ташхис методикалари тўплами. Амалиётчи психологлар учун қўлланма. Тошкент., Ўз.МУ босмахонасида, 2003.
2. Ерилова Л. Кичик синфларда касбга йўллаш тадбирларини ўтказиш усуллари. Монография. Тошкент. 1990.
3. Толипов Ў.Қ., Шарипов Ш.С. Ўқувчи шахси ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришнинг педагогик асослари. Фан нашриёти, 2012.
4. Климов Э.А. Касбий ўзини ўзи аниқлаш психологияси. - М.: Академия. 2010.